

# **ҲОКИМ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ БҮЛИБ ЎТДИ.**



Айни кунларда юртимизнинг ҳар бир ҳудудида “Ёшлар ойлиги” доирасида тадбирлар, учрашувлар ва лойиҳалар ташкил этиб келинмоқда. Бугун Шеробод туманида "Ҳоким ва ёшлар учрашуви" бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Усмон Алимов ҳамда сектор раҳбарлари, тегишли ташкилот масъуллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Учрашув аввалида, юртимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар ва ундан фойдаланиб, муваффақиятга эришаётган ёшлар ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, ёшларнинг таклифлари ва мурожаатлари туман ҳокими томонидан қабул қилинди.